

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариш давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддиневич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмутаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Хакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Ахмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоков Бахтиёр Робиддинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Хасанова Нодира Ибрагимовна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти, Денов
тадбиркорлик ва педагогика институти

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

1. Надира Махкамова

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....5

2. Ollabergan Allaberganov

1945–1960-YILLARDA XORAZM VILOYATI QISHLOQLARIDA MAKTABGACHA TARBIYA TIZIMIDAGI MUAMMO VA ZIDDIYATLAR.....13

3. Zaxra Mirzayeva

K.P. FON KAUFMAN MA’MURIYATINING ILK KO‘RGAZMA TASHABBUSLARI.....17

4. Akmal Mengliboyev

SOVET HOKIMIYATI O‘RNATILISHI ARAFASIDAGI JANUBI-SHARQIY BUXORODA VAZIYAT.....23

5. Xushnudbek Mamadaliev

XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA FARG‘ONA VODIYSI SHAHRLARIDAGI DEMOGRAFIK O‘ZGARISHLAR.....28

6. Xosiyat Nafiddinova

MDH DAVLATLARIDA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING TARIXIY-ETNOGRAFIK ASOSLARI VA ZAMONAVIY TADQIQOT YO‘NALISHLARI.....35

7. Бекзод Пайзуллаев

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ЖИЗЗАХ, ЎРАТЕПА ВА ХЎЖАНД УЧУН КУРАШЛАРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР.....39

8. Mo‘minjon Salayev

BAQTRIYA HUUJATLARIDA AYOLLARNING HUQUQIY VA IJTIMOIIY MAQOMI (IV – VIII ASRLAR).....46

9. Nafisa Hayotova

БУХОРО ШАҲРИ МЕЪМОРИЙ МУҲИТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА МЕЪМОРИЙ УСЛУБ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК.....55

10. Sevara Elmurodova


O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHIDA MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARI SOHASIDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR MOHIYATI.....64

11. Ziyodulla Eshmirzayev

TO‘G‘ONSIZ SUG‘ORISHDAN MUHANDISLIK NAZORATIGA: XORAZMVOHASI IRRIGATSIYA TIZIMIDAGI BURILISH (1946–1991-YILLAR).....75

12. Абзамжон Юсупов

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЖАДИДЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ.....81



Бекзод Баходир ўгли Пайзуллаев,

Қарши халқаро университети

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ассистенти

E-mail: bekzodfayzullayev406@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0003-1839-8926>

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ЖИЗЗАХ, ЎРАТЕПА ВА ХЎЖАНД УЧУН КУРАШЛАРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Bekzod B. Payzullayev. COMMENTS ON THE HISTORY OF THE STRUGGLE BETWEEN THE BUKHARA EMIRATE AND THE KOKAND KHANATE FOR JIZZAKH, URA-TYUBE AND KHUZHAND. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 8.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22010117>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XVIII–XIX асрларда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида стратегик аҳамиятга эга бўлган Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари ҳамда уларга туташ ҳудудлар учун олиб борилган сиёсий ва ҳарбий курашлар тарихи таҳлил қилинади. Мазкур шаҳарларнинг икки давлат ўртасидаги рақобат марказларига айланишида уларнинг географик жойлашуви, муҳим савдо йўллари устидан назорат, иқтисодий имкониятлари ва ҳарбий-стратегик аҳамияти асосий омил бўлган. Тадқиқотда Қўқон хонлигининг XVIII асрда ҳудудий жиҳатдан кенгайиши, Хўжанд ва Ўратепанинг эгалланиши, XIX аср бошларида Жиззах ва Ўратепа учун Бухоро ҳамда Қўқон ўртасидаги тўқнашувлар, шунингдек, Тошкент ва Хўжанднинг минтақавий сиёсий жараёнлардаги ўрни ёритилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлигидаги ички сиёсий беқарорлик, қирғиз-қипчоқ гуруҳларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки ва Бухоро амирлигининг Фарғона водийсида ўз таъсирини кучайтиришга интилиши таҳлил этилган. Шу билан бирга, икки давлат ўртасидаги ички зиддиятлар Россия империясининг Марказий Осиёга ҳарбий-сиёсий жиҳатдан кириб келиш жараёнига қандай таъсир кўрсатгани очиқ берилади. Муаллиф мазкур рақобатнинг оқибатлари нафақат давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларда, балки шаҳарлар аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам намоён бўлганини асослайди.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент, Фарғона водийси, ҳудудий рақобат, сиёсий кураш, ҳарбий тўқнашув, қирғиз-қипчоқлар, Россия империяси.

Пайзуллаев Бекзод Баходир угли,

Ассистент кафедраси социально-гуманитарных наук

Каршинского международного университета

E-mail: bekzodfayzullayev406@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0003-1839-8926>

КОММЕНТАРИИ ОБ ИСТОРИИ БОРЬБЫ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА И КОКАНДСКОГО ХАНСТВА ЗА ДЖИЗАК, УРА-ТЮБЕ И ХУЖАНД

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется история политической и военной борьбы между Бухарским эмиратом и Кокандским ханством в XVIII–XIX веках за стратегически важные города Джизак, Уратепа и Худжанд, а также прилегающие территории. Основными факторами превращения этих городов в центры конкуренции между двумя государствами стали их географическое положение, контроль над важными торговыми путями, экономические возможности и военно-стратегическое значение. Исследование охватывает территориальную экспансию Кокандского ханства в XVIII веке, захват Худжанда и Уратепы, столкновения между Бухарой и Кокандом за Джизак и Уратепу в начале XIX века, а также роль Ташкента и Худжанда в региональных политических процессах. В статье анализируется внутренняя политическая нестабильность в Кокандском ханстве во второй половине XIX века, участие киргизско-кипчакских групп в политических процессах и стремление Бухарского эмирата усилить свое влияние в Ферганской долине. Одновременно раскрывается, как внутренние противоречия между двумя государствами повлияли на процесс военно-политического проникновения Российской империи в Центральную Азию. Автор утверждает, что последствия этого соперничества проявились не только в политических отношениях между государствами, но и в социально-экономической жизни населения городов.

Ключевые слова: Бухарский эмират, Кокандское ханство, Джизак, Уратепа, Худжанд, Ташкент, Ферганская долина, территориальное соперничество, политическая борьба, военный конфликт, киргизы-кипчаки, Российская империя.

Bekzod B. Payzullayev,

Assistant Professor at the Department of Social
Sciences and Humanities

Karshi International University

E-mail: bekzodfayzullayev406@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0003-1839-8926>

COMMENTS ON THE HISTORY OF THE STRUGGLE BETWEEN THE BUKHARA EMIRATE AND THE KOKAND KHANATE FOR JIZZAKH, URA-TYUBE AND KHUZHAND

ABSTRACT

The article analyzes the history of political and military struggles between the Bukhara Emirate and the Kokand Khanate in the 18th–19th centuries for the strategically important cities of Jizzakh, Uratapa, and Khujand, as well as the adjacent territories. The main factors in the transformation of these cities into centers of competition between the two states were their geographical location, control over important trade routes, economic opportunities, and military-strategic importance. The study covers the territorial expansion of the Kokand Khanate in the 18th century, the capture of Khujand and Uratapa, the clashes between Bukhara and Kokand for Jizzakh and Uratapa at the beginning of the 19th century, as well as the role of Tashkent and Khujand in regional political processes. The internal political instability in the Kokand Khanate in the second half of the 19th century, the participation of Kyrgyz-Kipchak groups in political processes, and the desire of the Bukhara Emirate to strengthen its influence in the Fergana Valley are analyzed. At the same time, it is revealed how the internal contradictions between the two states influenced the process of the Russian Empire's military-political penetration into Central Asia. The author argues that the consequences of this rivalry were manifested not only in political relations between the states, but also in the socio-economic life of the population of the cities.

Index Terms: Bukhara Emirate, Kokand Khanate, Jizzakh, Uratapa, Khujand, Tashkent, Fergana Valley, territorial rivalry, political struggle, military conflict, Kyrgyz-Kipchogs, Russian Empire.

Кириш:

XVIII аср охири – XIX аср давомида Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлар асосан ҳудудий устунлик учун кураш, давлатлараро рақобат, ички сиёсий зиддиятлар ва ташқи кучлар таъсирининг кучайиши билан тавсифланади. Бу даврда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги минтақадаги муҳим сиёсий марказлардан бири сифатида шаклланган бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларда ҳудудий масала алоҳида ўрин тутган.

XVIII аср бошларида Бухоро хонлигида Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигининг заифлашуви натижасида марказий ҳокимиятнинг вилоятлар устидан назорати сусайди. Бу жараён Фарғона водийсида маҳаллий сиёсий кучларнинг мустақил ҳаракат қилиши учун қулай шароит яратди. 1709 – йилда Шохрухбийнинг ҳокимият тепасига келиши билан Минглар сулоласига асос солиниб, кейинчалик Қўқон хонлиги сифатида танилган давлатнинг сиёсий асослари шаклланди[1].

Қўқон давлатининг ташкил топиши Бухоро ва Фарғона ўртасидаги сиёсий муносабатларда янги босқични бошлаб берди. Қўқон ҳукмдорлари ўз ҳудудларини босқичма-босқич кенгайтиришга ҳаракат қилган бўлса, Бухоро ҳукмдорлари ҳам аввалги сиёсий таъсир доираларини сақлаб қолиш ва стратегик шаҳарларни назорат қилишга интилдилар. Шу тариқа Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд каби шаҳарлар икки давлат ўртасидаги рақобатнинг асосий нуқталарига айланди.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида мазкур ҳудудлар учун кечган сиёсий ва ҳарбий курашларнинг сабаблари, асосий босқичлари ва оқибатларини тарихий манбалар асосида таҳлил қилишдан иборат.

XVIII асрда Қўқон хонлигининг ҳудудий кенгайиши. Қўқон давлатининг сиёсий жиҳатдан кучайиши Шохрухбий ва унинг ворислари даврида бошланди. Шохрухбий даврида Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва улар атрофидаги ҳудудлар Минглар тасарруфида бўлган. Унинг вафотидан кейин 1721 – йилда тахтга Абдурахимбий ўтирди[2]. Абдурахимбий ҳукмронлиги даврида Қўқон давлатининг ҳудуди сезиларли даражада кенгайди. Тарихий маълумотларга кўра, у 1725 – йилда Хўжандни эгаллаб, кейинги йилда Ўратепани ҳам ўз ҳокимиятига бўйсундирган[3]. Бу маълумотлар бошқа тадқиқотларда ҳам қайд этилиб, Абдурахимбийнинг 1724 – йилда Андижон, 1725 – йилда Хўжанд ва 1726 – йилда Ўратепани Қўқон ҳудудига қўшгани кўрсатилади[4]. Хўжанд ва Ўратепанинг эгалланиши Қўқон давлатининг ғарб томонга кенгайишида муҳим қадам бўлди. Чунки мазкур шаҳарлар Фарғона водийсини Самарқанд ва Бухоро йўналиши билан боғлайдиган муҳим ҳудудларда жойлашган эди. Ўратепа айниқса стратегик аҳамиятга эга бўлган. Унинг географик жойлашуви туфайли шаҳар Фарғона водийси, Самарқанд ва Зарафшон водийси ўртасидаги ҳаракатларни назорат қилиш имконини берган. Шунинг учун XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларида Ўратепа Бухоро ва Қўқон ҳукмдорлари ўртасидаги рақобатнинг энг муҳим марказларидан бири бўлиб қолди.

Ўратепа учун Бухоро ва Қўқон ўртасидаги курашлар. Ўратепа учун рақобатнинг асосий сабабларидан бири унинг стратегик ва иқтисодий аҳамияти эди. Шаҳар муҳим савдо йўллари кесишган ҳудудда жойлашган бўлиб, уни эгаллаш ҳар икки давлат учун ҳам сиёсий ва ҳарбий устунлик берган. Бухоро ҳукмдорлари Ўратепани ўз сиёсий таъсир доирасида сақлашга ҳаракат қилган бўлсалар, Қўқон хонлари ғарбга томон кенгайиш жараёнида ушбу ҳудудни муҳим таянч нуқта сифатида кўрдилар. Манбаларда XVIII асрнинг иккинчи ярмида ва XIX аср бошларида Ўратепа бир неча марта Бухоро ва Қўқон ҳокимлари қўлига ўтгани қайд этилади[5]. XIX аср бошларида Олимхон даврида Қўқон хонлигининг ташқи сиёсий фаоллиги яна кучайди. 1807 ва 1810 – йилларда Олимхоннинг Ўратепага юришлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Айрим манбаларда 1810 – йилдаги воқеалар натижасида Бухоро амири Ҳайдар Қўқонга қарши қўшин юборгани, аммо Жиззах яқинидаги вазият туфайли унинг

юриши кутилган натижани бермагани қайд этилади[6]. Ўратепа учун давом этган курашлар икки давлат ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб борди. Бу тўқнашувлар фақат ҳукмдорлар ва ҳарбий кучлар ўртасидаги рақобат эмас, балки ҳудуд аҳолисининг кундалик ҳаётига таъсир кўрсатган ижтимоий-сиёсий жараён ҳам эди.

Жиззахнинг стратегик аҳамияти ва уни эгаллаш учун курашлар. Жиззах ҳам Бухоро ва Қўқон ўртасидаги рақобатда муҳим ўрин эгаллаган шаҳарлардан бири эди. Унинг географик жойлашуви Фарғона водийси билан Самарқанд ва Бухоро йўналишларини боғлайдиган коммуникация тизимида муҳим аҳамият касб этган. XIX аср бошларида Қўқон хонлиги Жиззах ва унга яқин ҳудудларда ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилди. Бухоро ҳукмдорлари эса бу ҳаракатларга қарши чиқдилар. Шу сабабли Жиззах атрофидаги ҳудудлар бир неча бор ҳарбий тўқнашувларга сабаб бўлди. Бу даврда Бухоро амири Ҳайдар ва Қўқон хони Олимхон ўртасидаги рақобатда Жиззах ҳамда Ўратепа масаласи алоҳида ўрин тутган. 1810 – йилдаги воқеаларда Қўқон ва Бухоро қўшинларининг Жиззах яқинида тўқнашуви ҳақида маълумотлар мавжуд[7]. Кейинчалик Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги рақобатда Жиззахнинг аҳамияти янада ошди. Айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Россия империясининг Туркистонга босқичма-босқич кириб келиши натижасида Жиззах уч томонлама геосиёсий рақобат ҳудудига айланди.

Хўжанднинг сиёсий ва ҳарбий аҳамияти. Хўжанд Фарғона водийсининг ғарбий қисмида жойлашган муҳим иқтисодий ва ҳарбий марказ сифатида Қўқон хонлиги тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Абдурахимбийнинг 1725 – йилда Хўжандни эгаллаши Қўқон давлатининг ғарбга кенгайишида муҳим воқеа бўлди[8]. XIX асрда Хўжанд учун Бухоро ва Қўқон ўртасидаги рақобат давом этди. Шаҳарнинг иқтисодий имкониятлари, савдо йўллари яқинлиги ва ҳарбий-стратегик мавқеи уни икки давлат учун ҳам муҳим объектга айлантирди. XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигидаги ички сиёсий беқарорлик Хўжанддаги вазиятга ҳам таъсир кўрсатди. Бухоро амири Музаффар Фарғонадаги сиёсий жараёнларга аралашушга ҳаракат қилиб, Хўжанд орқали ўз таъсирини кучайтиришга интилди. Қўқон хонлигида Худоёрхон, Маллахон, Султон Сайидхон ва бошқа ҳукмдорлар давридаги сиёсий ўзгаришлар Хўжанднинг мақомига ҳам таъсир кўрсатди. Қирғиз-қипчоқ гуруҳлари, маҳаллий амалдорлар ва ҳукмдорлар ўртасидаги рақобат ташқи кучларнинг аралашуви учун ҳам қулай шароит яратди.

Тошкент ва Қўқон–Бухоро рақобатининг янги босқичи. XVIII аср охирида Тошкент нисбатан мустақил сиёсий марказ сифатида мавжуд бўлган бўлса, XIX аср бошларида Қўқон хонлиги уни ўз таъсир доирасига киритишга эришди. Тошкентнинг эгалланиши Қўқон хонлигининг сиёсий ва иқтисодий имкониятларини сезиларли равишда кенгайтди[9]. Бироқ Тошкентнинг стратегик аҳамияти Бухоро амирлиги учун ҳам жуда катта эди. Шаҳарнинг савдо ва ҳарбий йўллар чорраҳасида жойлашгани уни минтақадаги асосий сиёсий марказлардан бирига айлантирган. XIX аср ўрталаридан бошлаб Қўқон хонлигидаги ички сиёсий инқироз кучайди. Худоёрхон ва Маллахон ўртасидаги рақобат, қирғиз-қипчоқ кучларининг сиёсий фаоллиги, маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги зиддиятлар марказий ҳокимиятни заифлаштирди. Маллахоннинг ўлдирилиши ва кейинги сиёсий ўзгаришлар Қўқон хонлигидаги ички беқарорликни янада кучайтирди. Манбаларда 1862 – йилда Маллахонга қарши суиқасд уюштирилгани ва ундан кейин Шохмуродхоннинг тахтга кўтарилгани ҳақида маълумотлар келтирилади[10]. Бу жараёнларда қирғиз-қипчоқ гуруҳларининг иштироки алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улар нафақат ҳарбий куч сифатида, балки хонларни тахтга кўтариш ва туширишда иштирок этган сиёсий куч сифатида ҳам намоён бўлдилар.

Бухоро амирлигининг Фарғонадаги сиёсий таъсири. Қўқон хонлигидаги ички зиддиятлардан Бухоро амирлиги ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Амир Музаффарнинг Фарғонадаги сиёсий жараёнларга аралашуви, Хўжанд ва Қўқон атрофидаги ҳаракатлари Бухоро–Қўқон муносабатларининг янада мураккаблашишига олиб келди. Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асари Қўқон ва Бухоро муносабатлари, ички сиёсий жараёнлар, ҳарбий юришлар ва кўчманчи гуруҳларнинг сиёсий ҳаётдаги

иштироки ҳақида муҳим маълумотлар беради[11]. Асарнинг 2010 – йилги ўзбекча нашри 716 саҳифадан иборат бўлиб, Қўқон тарихнавислиги учун муҳим манбалардан бири ҳисобланади. 1863 – йилда Султон Сайидхоннинг тахтга келиши билан Қўқон хонлигида марказий ҳокимиятни тиклашга уринишлар бўлди. Алиқули амирлашкар сифатида ҳарбий ва сиёсий ишларга катта таъсир ўтказди. Бироқ бу даврда Россия империясининг ҳарбий босими ҳам кучайиб бораётган эди.

Россия империясининг босқини ва ички низоларнинг оқибатлари. XIX асрнинг 60-йилларига келиб, Бухоро ва Қўқон ўртасидаги рақобат янги геосиёсий вазиятда кеча бошлади. Россия империяси Туркистон ҳудудларини босқичма-босқич эгаллаш сиёсатини амалга оширди. Н.А.Халфиннинг тадқиқотида 1860 – 1870 – йилларда Россиянинг Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий ҳаракатлари, Тошкент, Бухоро ва Қўқон билан муносабатлари кенг ёритилган[12]. Халфиннинг 1965 – йилги Москвадаги «Наука» нашрида чиққан асари 468 саҳифадан иборат бўлиб, Россиянинг Марказий Осиёни эгаллаш жараёнига бағишланган. Қўқон хонлигидаги ички низолар Россия империясининг ҳарбий ҳаракатларига қарши ягона сиёсий ва ҳарбий фронт шаклланишини қийинлаштирди. 1865 – йилда Тошкент учун кечган жангларда Алиқулининг ҳалок бўлиши Қўқон хонлигининг мудофаа имкониятларига жиддий таъсир кўрсатди. Тошкентнинг Россия қўшинлари томонидан эгалланиши минтақадаги сиёсий кучлар нисбатини тубдан ўзгартирди[13]. Мулло Олим Махдум Ҳожининг «Тарихи Туркистон» асарида ҳам Тошкентнинг босиб олинишида Бухоро ва Қўқон ўртасидаги ўзаро низоларнинг салбий таъсири ҳақида мулоҳазалар билдирилади[14]. Ушбу асарнинг 2008 – йилги нашри 244 саҳифадан иборат бўлиб, Туркистон тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий ҳам Қўқон хонлигидаги узоқ давом этган ички низолар, урушлар, очлик ва қимматчиликни танқидий нуқтаи назардан ёритади[15]. Муаллифнинг маълумотларидан кўриниб турибдики, сиёсий курашлар энг аввало оддий аҳоли ҳаётига оғир таъсир кўрсатган.

1867 – 1868 – йилларда Қўқон–Россия муносабатлари. Тошкентнинг Россия империяси томонидан эгалланиши ва Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши Қўқон хонлигининг ташқи сиёсий имкониятларини кескин чеклади. Худоёрхон Россия билан очиқ тўқнашувдан қўра, дипломатик муносабатларни сақлаб қолиш ва хонлик мустақиллигини имкони борича асраш йўлини танлади. 1867 – йилда савдо муносабатларини тартибга солишга қаратилган келишувлар бошланиб, 1868 – йил февраль ойида Қўқон хонлиги билан Россия ўртасида шартнома тузилди[16]. Ушбу келишувлар натижасида рус савдогарларига Қўқон хонлиги ҳудудида кенг савдо имтиёзлари берилди. Савдо божлари масаласида ҳам Россия савдогарлари учун қулай шартлар белгиланди[17]. Тадқиқотларда 1868 – йилги келишув рус савдогарларининг хонлик ҳудудида эркин ҳаракатланиши ва карвонсаройлардан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратгани қайд этилади[18]. Шу тариқа иқтисодий муносабатлар орқали Россиянинг Қўқон хонлиги ички ҳаётига таъсири ҳам кучайиб борди.

Бухоро–Қўқон рақобатининг ижтимоий оқибатлари Бухоро ва Қўқон ўртасидаги узоқ давом этган ҳудудий рақобатнинг энг муҳим оқибатларидан бири аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши бўлди. Ўратепа, Жиззах, Хўжанд ва Тошкент каби шаҳарлар бир неча бор ҳарбий ҳаракатлар майдониغا айланди. Ҳокимият алмашинуви, қўшинларнинг ҳаракати, солиқларнинг кўпайиши, талон-торождар ва аҳолининг мажбурий сафарбар этилиши маҳаллий хўжаликнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Бу жараёнлар айниқса XIX асрнинг 60 – йилларида кучайди. Қўқон хонлигидаги қирғиз-кипчоқлар билан марказий ҳокимият ўртасидаги зиддиятлар, Бухоро амирлигининг аралашуви ва Россия империясининг босқини бир вақтда содир бўлгани сиёсий вазиятни янада мураккаблаштирди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Бухоро – Қўқон рақобатини фақат икки ҳукмдор ўртасидаги ҳудудий низо сифатида баҳолаш етарли эмас. Бу рақобат Марказий Осиёдаги сиёсий кучлар нисбати, савдо йўллари устидан назорат, маҳаллий элиталарнинг манфаатлари ва аҳоли ижтимоий ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган кенг қўламли тарихий жараён эди.

Хулоса:

XVIII–XIX асрларда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатларда Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд каби шаҳарлар муҳим стратегик аҳамият касб этди. Уларнинг географик жойлашуви, савдо йўллари устидан назорат қилиш имконияти ва иқтисодий салоҳияти мазкур ҳудудларни икки давлат ўртасидаги узоқ давом этган рақобат марказларига айлантирди.

Қўқон давлатининг XVIII асрда ҳудудий кенгайиши натижасида Хўжанд ва Ўратепанинг унинг таркибига киритилиши Бухоро билан сиёсий муносабатларни мураккаблаштирди. XIX аср бошларида эса Жиззах ва Ўратепа учун курашлар янада кучайди. Бу даврда ҳар икки давлат ҳам ўз сиёсий таъсирини кенгайтириш ва муҳим стратегик марказларни назорат қилишга интилди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигидаги ички сиёсий беқарорлик, тахт учун курашлар ва қирғиз-қипчоқ гуруҳларининг сиёсий фаоллиги давлатнинг марказий ҳокимиятини заифлаштирди. Бухоро амирлигининг Фарғонадаги сиёсий жараёнларга аралашуви эса мавжуд зиддиятларни янада чуқурлаштирди.

Айни пайтда Россия империясининг Туркистонга ҳарбий босқини кучайиб борди. Қўқон ва Бухоро ўртасидаги рақобат, ички сиёсий низолар ва ягона ҳарбий-сиёсий қаршилиқнинг шаклланмагани Россиянинг минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлаши учун қулай шароит яратди. Тошкентнинг эгалланиши бу жараённинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Шундай қилиб, Бухоро–Қўқон рақобати Марказий Осиё тарихида нафақат ҳудудий устунлик учун кураш, балки минтақанинг кейинги сиёсий тақдирига таъсир кўрсатган муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу рақобат натижасида юзага келган сиёсий парокандалик ва ички зиддиятлар ташқи ҳарбий кучларнинг минтақага кириб келишини енгиллаштирган, узоқ давом этган урушлар эса Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент ва улар атрофида яшаган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий зарар етказган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон хонлиги тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 28–35.
2. Ўзбекистон тарихи (XVI–XIX асрнинг биринчи ярми). III жилд. – Тошкент: Фан, 2012. – Б. 142–150.
3. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства... – Ташкент, 1973. – С. 45–52.
4. Бейсембиев Т.К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – С. 84–92.
5. Зиёев Ҳ. Тўқнашувлар ва жанглар: Қўқон хонлигининг Россия томонидан эгалланиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 34–40.
6. Ўзбекистон тарихи. XVI–XIX асрнинг биринчи ярми. III жилд. – Тошкент: Фан, 2012. – Б. 142–150.
7. Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 198–205.
8. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства... – Ташкент, 1973. – С. 45–52.
9. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон хонлиги тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 28–35.
10. Аваз Муҳаммад Аттор Хукандий. Тарихи жаҳоннамойи. – Тошкент: Шарқ, 1992. – Б. 142–148.
11. Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 198–205.
12. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60–90-е годы XIX в.). – М.: Наука, 1965. – С. 178–185.
13. Петровский Н.Ф. Моя поездка в Кокандское ханство в 1873 году // Известия ИРГО. – СПб., 1874. – Т. 10. – С. 121–130.
14. Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Жаннатмакон, 2008. – Б. 115–118.

15. Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий. Тарихи жаҳоннамои. Қўлёзма. ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди, инв. № 9455. – Б. 210–215.
16. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России... – М.: Наука, 1965. – С. 178–185.
17. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства... – Ташкент, 1973. – С. 45–52.
18. Ўзбекистон тарихи. XVI–XIX асрнинг биринчи ями. III жилд. – Тошкент: Фан, 2012. – Б. 142–150

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000